

Татаристонда IX Республика ифторлик маросими ўтказилади



15:01 / 07.04.2021 1348

Татаристон Республикаси Муслмонлари диний бошқармаси IX Республика ифторлик маросимида қатнашиш учун кўнгиллилар жалб қилинишини эълон қилади. Узоқ кутилган ифторлик оқшоми 7 май куни «Kazan Expo» да бўлиб ўтади. У ерда ҳурматли меҳмонлар, ишбилармон ва эҳтиёжманд тоифа вакиллари бир столда йиғиладилар. Ташкилотчилар кўп болали ва муҳтож оилалар ва ногиронларга «Ак Барс Арена»сида ва «Туган Авылым» миллий сайёҳлик мажмуасида ифторлик дастурхони безатадилар. Бу йил 14-75 ёшли 1000 нафар кўнгиллиларни ва меҳмонларини ифторликда кутиб олиш, жамоат намозларини ўқишни ташкил қилиш ҳамда таомлар бериш учун жалб қилиш режалаштирилган.

Хуршид Маъруф тайёрлади